O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310509

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 16-may • Shanba • 59 (29.020) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялардан кўрсатилади. Бу, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини оширади.

Ўзбекистон ХДП МК ва партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида «Ёшлар қаноти» фаоллари қатор таклифлар билдиришди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

ЁШЛАР — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА

ҳал қилувчи куч

Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ёшларга қаратилган мурожаати мамлакатимиз келажаги бўлган йигит-қизларни тўлқинлантириб юборди. Бу эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ёшлар — демократик жамият қурилишида ҳал қилувчи куч» мавзуидаги давра суҳбатида ҳам шу борада фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева мамлакатимизда ёшлар масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидладилар. Дарҳақиқат, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, чуқур билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, ўз иқтидорларини намоён этишлари учун имконият яратиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

— Юртбошимиз мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, жамият ривожи, юрт истиқболи хусусида гапирар экан, бунда ёшлар иштироки, улар олдида турган вазифаларга ҳар гал алоҳида эътибор қаратади, — деди «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви раиси Акмал Умаралиев. — Мамлакат етакчисининг энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир. Сиз, азизларим, биз бошлаган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, демократик, озод ва обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққиёт сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак, — деган сўзлари Ўзбекистон ХДП ёш аъзоларини янада шижоатли бўлишга чорлайди. Бу албатта, қалбида шу юрт келажаги учун дахлдорлик ҳиссини туйган ёшларни янада жипсликка, эзгу ишларда фаол бўлишга даъват этиши, янги мақсадлар сари интилишга ундаши табиий.

2-бет

✱ Ахборот

БУХОРОДА НЕМИС МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

халқаро фестивалга уланди

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни биргина Бухоро вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда вилоятда «Бухоро-Кнауфф», «Бухорогипс» ва бошқа бир қатор ўзбек-немис қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бухоро — Бонн шаҳарлари биродарлашуви, вилоят олий ўқув юртлари профессорлари ҳамда тиббиёт ходимларининг тажриба алмашаётганлари, мактабларда немис тилини ўрганиш тубдан яхшиланиши мазкур ҳамкорликнинг натижасидир.

Германияда ўтказилган ўзбек маданияти кунларида бухороликлар ҳам фаол иштирок этишганди. Бу анъананинг давоми сифатида Бухорода ҳам немис маданияти кунлари ўтказилаяпти. Маданият кунлари дастури доирасида 1-сон академик лицейда немис тили фестивали, Нодирдевонбеги хонақосида Германия академик филармониясининг концерти бўлиб ўтди.

Кеча эса Бухоро давлат университетида илмий анжуман ўтказилди ва вилоят ахборот-ресурс марказига немис тилидаги бадиий-илмий китоблар совға сифатида топширилди. Шаҳардаги «Олимжон» карвонсаройида Германия аёллари ҳаётига бағишланган фотокўргазма очилди.

Бухорода ўтказилаётган немис маданияти кунлари ҳар йили май ойида кўҳна шаҳарда бўлиб ўтадиган «Ипакдан зираворгача» халқаро фестивалига уланиб кетади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАР-КЕНГАШ ТЎҒРИСИДА

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, вилоятлар сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати раҳбарлари, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этди. Семинар-кенгашни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов бошқарди.

Семинар-кенгашни ўтказишдан асосий мақсад сиёсий партиялар, сайлов кампаниясининг бошқа иштирокчиларига Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиқадиган асосий принцип ҳамда шартларни етказишдан иборат.

Семинар-кенгашдаги маърузаларда асосий эътибор Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияни кўриб чиқишга қаратилди. Иштирокчилар, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг ушбу Концепцияга мувофиқ қабул қилинган «2009 йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб декабрь ойигача босқичма-босқич ўтказилиши шарт бўлган сайловолди тадбирларининг таркиби ва тузилмаси» деб номланган ҳужжатини ҳам кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссиясининг ушбу ҳужжатларида бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий принциплар, вазифалар, устувор йўналишлар, асосий босқич ҳамда тадбирлар белгиланган. Маърузачилар икки палатали парламент, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов тажрибасини ҳам таъкидлаб ўтди, бу тажрибадан ўтказиладиган сайловда фойдаланишга оид вазифаларни кўриб чиқди, сайлов тўғрисидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш масалаларини муҳокама этди.

(Давоми 2-бетда)

❖ Фармон ва ижро

Пойтахтимизда «Ўзбекистон аёли тараққиёт билан ҳамнафас» мавзуида семинар-кўргазма бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари С.Холбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Ш.Умарова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси С.Одилхўжаева, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг мавқеини тобора юксалтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, маърифий соҳалардаги салоҳиятини тўлақонли намоён этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда уларга зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Семинарда «Жамият ривожида аёлларнинг роли: ютуқлар, вазифалар ва истиқболдаги режалар», «Ўзбекистон хотин-қизларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки», «Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя этишга қаратилган қонуний ва ҳуқуқий ҳужжатлар», «Қишлоқ аёлларининг маданий ҳаётини юксалтиришда раҳбар аёлларнинг тутган ўрни» каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Юртимизда аёлларнинг давлат ва жамият ривожида тутган ўрни тасвирий санъат асарларида акс эттирилган бадиий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири
А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

❖ Анжуман

ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Куни кеча Республика Марказий банки томонидан ДАТ «Асака» банкда «Иқтисодиётнинг реал сектори асосий корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва экспорт фаолиятини ошириш» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг сўнгги йиллардаги барқарор ўсиши таъминланишида, шубҳасиз, реал секторга киритилаётган инвестицион қўйилмаларнинг роли катта бўлмоқда.

—Тижорат банкларининг бугунги кундаги кредит сиёсатига эътибор берсак, улар кредитларнинг устувор йўналишлари сифатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, асосий воситаларни харид қилиш ва модернизациялаш, янги технологияларни татбиқ этиш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилаётганига гувоҳ бўласиз, — деди анжуманда Марказий банк раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров. - 2009 йилнинг 1 апрелига қадар иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган 7 трлн. 89 млрд. сўм ҳажмда ажратилган кредитларнинг асосий қисми худди шу мақсадларга йўналтирилган. Эътиборли томони шундаки, кредит қўйилмалари таркибида ўрта ва узоқ муддатли кредитлар улуши ортиб бориши кузатилмоқда. Шу йилнинг I чораги давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича 356,1 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 148,8 млрд. сўм ёки 71,8 фоиз кўпдир.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида йирик акциядорлик компанияларига қарийб 55 млрд. сўм миқдорида мақсадли кредитлар ажратилди. Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга салкам 45 млрд. сўм миқдорида кредит ресурслари йўналтирилди.

Ҳозирги пайтда банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналари аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотилмоқда. Шу кунгача 70 та банкрот корхона тижорат банклари тасарруфига ўтказилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида журналистларга ДАТ «Асака» банк бошқаруви раиси Қаҳрамон Орипов шу масала юзасидан банкда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ
2-бет

• МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАВОҲИРИ
3-бет



Шеър ва шуур

• ОНА-ЮРТ ҚАДРИНИ ҚУШ ҲАМ БИЛАДИ
4-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН СЕМИНАР-КЕНГАШ ТЎҒРИСИДА

Семинарда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимнинг изчилик билан босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Сайловларнинг умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга мос келадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган самарали қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Сайлов комиссияларининг мустақил фаолият кўрсатадиган орган — Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимият вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминловчи яхлит мустақил тизими ташкил этилди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин, фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шарт-шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишининг ишончли кафолатлари яратилди. Самарали, демократик сайлов тизимининг ташкил этилиши мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги барча ишларнинг муҳим бўғинига айланди.

Семинар-кенгашда бўлажак сайловлар сайлов қонунчилигига киритилган ва сайлов тизимини янада эркинлаштириш ва демократлаштиришни таъминлаган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилиши алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунига мувофиқ, жамиятни демократик янгилаш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларида мамлакат олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органларининг роли ва ўрнини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялардан кўрсатилади. Бу, албатта, давлат ҳокимиятининг қонунчилик, вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини оширади. Уларнинг зиммасига бир пайтнинг ўзида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича сайлов қонунчилиги талабларини бажаришга доир катта масъулият юкланади.

Сайловларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилди. Мамлакатнинг маънавий-ҳудудий бўлиниши, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва аҳоли саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалалари, яъни ҳал этилишидан, ўз сиёсий йўналишидан қатъи назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларнинг ўта муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга 15 та депутатлик ўрни берилади.

Сайлов қонунчилигига сиёсий партиянинг сайлов участкаларида овозларни санаш, имзо варақаларининг тўғри тузилишини текшириш ҳуқуқи бериладиган ваколатли вакили институти киритилди. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Қонунчиликка киритилган қатор янгиликлар сайлов комиссияларининг сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича фаолиятининг ошкоралигини таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси қабул қилган Концепцияда сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик қоидаларига қатъий ва сўзсиз амал қилинишини таъминлаш сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Фақат Марказий сайлов комиссиясигина сайлов кампаниясини ўтказишда асосий ташкил этувчи орган ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик қоидасининг изчил ва сўзсиз амалга оширилиши муҳим вазифадир. Ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг сайлов жараёнига аралашувига йўл қўйилмайди. Қонунчиликнинг ушбу талабини бузишга бўлган ҳар қандай уринишнинг олди олинади ва қонунга мувофиқ жазоланади.

Концепцияда сайловлар давомида сайлов кампаниясининг ҳар қандай иштирокчиси учун бирон-бир имтиёз ва преференциялар бериш истисно этилиши қайд этилган. Сайлов қонунчилиги нормалари, талаблари, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг қонунда белгиланган тартиби, жумладан, Олий Мажлис томонидан ва мазкур Концепцияда белгиланган сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг барча янги қоидалари ҳамма учун мажбурий ва бир хилдир ҳамда уларга қатъий риоя этилади.

Марказий сайлов комиссияси, барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайлов кампаниясини ўтказишда, шунингдек, сайловолди дастурлари қоидалари, улардаги мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича позицияларини сайловчилар, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ҳамда тенг имкониятлар яратиш мақсадида барча чоралар кўрилади.

Марказий сайлов комиссиясининг «2009 йилнинг май ойи ўрталаридан бошлаб декабрь ойигача босқичма-босқич ўтказилиши шарт бўлган сайловолди тадбирлар таркиби ва тузилмаси» деб номланган ҳужжатида сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг босқичлари, асосий тадбирлари белгиланган. Тайёргарлик даврида (биринчи босқич) конференциялар, семинарлар ўтказилади, сайловлар тўғрисидаги қонунлар тўпламлари нашрга тайёрланади ва жойларга етказилади, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қабул қилинади, қонунда кўзда тутилган бошқа тадбирлар амалга оширилади. Иккинчи — Асосий босқичда сайловчилар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ташкил этилади, сайлов участкалари, сайлов комиссияларини шакллантиришга оид тадбирлар ўтказилади, уларнинг рўйхатларини тузиш, бошқа тадбирларни ўтказиш бўйича ишлар ташкил этилади. Учинчи — Якуний босқичда депутатликка номзодларни кўрсатиш ишлари амалга оширилади, уларнинг сайловчилар билан учрашувлари ташкил этилади, овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар ўтказилади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича барча босқичларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш кўзда тутилмоқда. Сайловларни ўтказишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, шунингдек, барча даражадаги сайлов комиссиялари фаолиятида қонунийлик, коллегиаллик, мустақиллик, адолатлиликка риоя қилишга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади.

Сиёсий партиялар раҳбарлари, бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ўз чиқишларида Олий Мажлис, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича барча ишларни сайлов қонунчилиги қоидалари ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Концепцияга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш бўлажак сайловларни юқори демократик савияда ўтказиш имконини беришини таъкидлади. Бўлажак сайловлар эса мамлакатимизни демократик янгилаш, уни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ривожлантиришда Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЁШЛАР – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА

ҳал қилувчи куч

— Зиммамиздаги масъулиятнинг катталигини ҳар биримиз чуқур ҳис қилиб турибмиз, — деди ЎзХДП Яккасарой туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шуҳрат Кўчқоров. — Бунинг учун биздан бирдамлик, жипслик, ягона мақсад сари дадил интилиш талаб этилади. Шуни инобатга олиб ёшлар қанотининг пойтахтдаги ва жойлардаги, чекка туманлардаги фаолларининг ўзаро мулоқоти, ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарур, деб ўйлайман.

Учрашувда шунингдек, бугунги кунда парламент қуйи палатаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, қабул қилинаётган қонунлар ҳамда Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти хусусида сўз юритилди. Партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари билан ёшлар қанотининг ҳамкорликдаги ишлари самарадорлигини ошириш масалалари хусусида таклифлар билдирилди. Жумладан, Қонунчилик палатасида ёшлар ҳаётига доир қабул қилинаётган қонунлар юзасидан Ўзбекистон ХДП фракциясининг нуқтаи назарини ишлаб чиқишда «Истиқбол» ёшларининг ҳам фаол иштирокини йўлга қўйиш борасида мулоҳазалар ўртага ташланди.

Давра суҳбати якунида ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти, ялпи мажлислар ўтадиган зал, унда депутатларнинг овоз бериш жараёнлари билан танишдилар, ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоблар олдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози мухбири»
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил этилиб, мамлакатимизда уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган. Хусусан, мазкур асарда ва Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодиёт тармоқларида рақобатбардошликни юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, муайян бир корхона ёки миллий иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши унинг қанчалик рақобатбардошлигига боғлиқдир. Рақобатбардошлик макро даражада – олтин-валюта захирасининг ҳажми ёки савдо балансини эмас, балки пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини акс эттиради. Корхона миқёсида бу самарадорлик ва капиталлашувнинг ошишидир. Айнан рақобатбардошлик корхонага ўз ишчилари даромади ўсишини, иқтисодиётда эса аҳоли даромади ошишини таъминлаш имконини беради.

Инқирозга қарши чоралар дастурида рақобатбардошликни юксалтиришга қаратилган қатор чоралар белгиланган. Микро даражада тезкор модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, мослашувчан замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш, халқаро сифат андозалари ва тежамкорлик тартибига ўтиш, энергияни тежаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш шулар жумласидандир. Шу боис кўплаб муҳим хўжалик субъектлари ҳозирги кунда ўз олдига ишлаб чиқариш харажатларини 20 фоизга камайтиришни мақсад қилиб қўйган.

Макро даражада эса ички талабни рағбатлантириш, экспортга йўналтирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш ва изчил рағбатлантириш, нарх сиёсатини такомиллаштириш, хусусан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун хомашё асосини шакллантирувчи монополист корхоналар томонидан белгиланадиган нархларнинг ўсишини ушлаб туриш, солиқ ва божхона имтиёзлари айнан шунга хизмат қилади.

Саноат рақобатбардошлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш шуни кўрсатдики, шакланган макроиқтисодий ва рақобат муҳити, илмий-техник салоҳият, халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш кўлами, инвестициялар, молия тизимининг сифати ва самарадорлиги, инфратузилманинг ҳолати, меҳнат ресурсларининг малакаси кабилар энг муҳим омиллардир.

Жаҳон тажрибасининг таҳлилига назар ташласак, инновация технологиялари ривожланган мамлакатлар муайян ютуқларга эришган. Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, глобал миқёсда рақобатга киришаётган корхоналарда кўп соҳаларда ўсишнинг юксак суръатлари кузатилади. Айнан муайян ишлаб чиқариш омили – технологиялар, материаллар, нархлар, хизматлар, демографик вазият ва ҳатто геосиёсий омиллар ўзгаришига асосланган инновациялар юқори қўшимча қиймат ва бойликни яратади, самарадорлиги ва фойдаси юқори соҳаларга қараб ресурсларнинг оқишига олиб келади.

Шу боис мамлакатимизда инновацияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг ривожи учун барча шарт-шароитлар — тайёр технологиялар, мутахассислар, хомашё ва материаллар мавжуд.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш учун бугундан бошлаб инқироздан кейинги даврдаги ривожланиш ҳақида ўйлашимиз, юртимизни янги марраларга олиб чиқишга кучли туртки берадиган, жаҳон бозорида мамлакатимиз рақобатбардошлигини таъминлай оладиган, миллий иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларини техник янгилаш ва модернизация қилиш бўйича пухта ишланган, узоққа мўлжалланган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзбек моделининг кучли жиҳатларидан бири — хусусий бизнесни ривожлантириш учун янги институтлар ва шароитларни яратишга давлат алоҳида эътибор қаратиб келаётганидир.

Бироқ бунда давлатнинг қўллаб-қувватлаши ва инвестициялар – юқори самарадорликка эришиш ёки муайян корхона маҳсулоти рақобатбардош бўлиши учун яратилган имконият эканлиги кўпинча эътиборга олинмайди. Бозор шароитида рақобатбардошлиликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида кенг маркетинг тадқиқотларига асосланиб пухта ишлаб чиқилган ривожланиш стратегияси, замонавий бозор моделларининг қўлланишини назарда тутувчи (мувофиқлаштирилган кўрсаткичлар тизими, умумий сифат кўрсаткичи, сифат менежменти тизими ва ҳоказо жараёнли технологияларни қўллашни талаб этувчи тизимлар ва бошқалар) бошқарувнинг юксак даражаси, ходимларнинг малакаси, инновацион ечимларни амалга ошириш имкониятини берувчи замонавий ускуна ва технологияларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти томонидан пойтахтимиздаги акциядорлик жамиятлари раҳбарлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари уларнинг айримларида бошқарувнинг янги усулларини кенг қўлламаётганидан далолат бермоқда. Мазкур ташкилотлар раҳбарлари асосан корхонанинг жорий даромадини таъминлаш, давлат кўмагидан умид қилиш билан машғул. Бунга қўшимча қилиб корхона фаолиятининг якуний натижалари учун масъулият тўла ҳис этилмаслигини таъкидлаш ўринлидир. Янги маҳсулот, инновацияларни киритиш бўйича тадқиқотлардан келадиган тежамкорлик, ходимлар малакасини ошириш — замонавий менежментнинг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигига эътибор замон талаблари даражасида бўлиши даркор.

Бу мисоллар айрим мутасаддиларнинг ўз бизнеси ва ходимларига нисбатан бефарқлигидан далолат беради. Бундай корхонага инвестор ёки суғурта компанияси қизиқиш билдириши жуда қийин. Бундай корхонада ходимларнинг фаоллигини, уларнинг янгиликларга бўлган қизиқишини ошириш мураккаб иш бўлиб қолади.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида таъкидланганидек, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва узоқ муддатга мўлжалланган миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишнинг инновация дастури ушбу куч-имкониятлар ва ресурсларни ишга солишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Алишер РАСУЛЕВ,
иқтисод фанлари доктори. (ЎзА)

✸ ЎзХДП ҳаёти

ЎзХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IX пленумида ҳозирги шароитда партия ташкилотлари олдида турган муҳим йўналишлар белгилаб берилган эди. Айниқса, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, Давлат дастурлари, Президентимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бағишланган китобида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашда фаол қатнашиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган эди.

БУГУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

партия ташкилотлари эътиборида

Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгашининг пленумида ана шу ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Партия кенгаши раиси Санжар Қурбонов бу борада фаоллар ва бошланғич ташкилотлар олиб бораётган ишларга атрофлича тўхталди. Айни пайтда 90 та бошланғич, 44 та ҳудудий партия ташкилоти 3 мингдан зиёд аъзони бирлаштириб турибди. Туман тиббиёт бирлашмаси, Ибн Сино номидаги санаторий, «Китобгаз» идораларида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари электорат манфаатлари йўлида қатор тадбирларни амалга оширди. Юртбошимизнинг асарини ўрганиш, аҳоли ўртасида тарғиботташвиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилаётган фуқаролар, партиямиз аъзолари кўтараётган масалаларни ҳал қилишда халқ депутатлари туман Кенгашининг партиямиздан сайланган 13 нафар депутати кўмагига таянилмоқда. Мурожаатларда коммунал соҳадаги, ер участкалари ажратиш билан боғлиқ масалалар кўп кўтарилмоқда. Бироқ уларнинг айримларини ижобий ҳал қилиш имкони бўлмаяпти. Бу масалалар ечимини топишда депутатлар гуруҳлари ваколатидан кўпроқ фойдаланиш кераклиги сезилмоқда.

— «Тошкент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилотига 40 нафар аъзо бирлашган, — дейди ташкилот раиси ўринбосари Зулхумор Темирова. — Маҳаллада уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Партия аъзолари, фаоллар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан доим хабар олиб туради. Ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам уларнинг асосий эътиборида.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртазоев депутатлар фаоллигини ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Пленумда бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

ЁШ СИЁСАТЧИ – 2009

танловининг шаҳар, туман босқичлари ўтказилмоқда

Куни кеча танловнинг Амударё туман босқичи бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши раиси Рустам Хўжаниёзов, «Ногиронлар» жамияти туман бўлими раиси Нилуфар Қалбаева, туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Норгул Йўлдошева, шунингдек, партия фаоллари, «Маънавият ва тарғибот» маркази ходимлари унибўсиб келаётган авлод эртамизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишлари кераклигини таъкидладилар. Иштирокчилар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари Конституциялари, сайловлар, сиёсий партиялар, ёшларга оид қонунлар, оила, меҳнат кодекслари, ЎзХДП Дастури, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан билимларини, нотиқлик санъати, партиямиз фаолияти акс этган саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

— Танловнинг савол-жавоб шарти иштирокчиларнинг сиёсий билимларини аниқлашга мўлжалланган, — деди ҳакамлар ҳайъати раиси Баҳодир Жуманиёзов. — Биринчи шартнинг ўзидаёқ иштирокчилар сиёсатга қай даражада қизиқишларини кўрсатди.

Танловда «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзоси, Амударё академик лицейи ўқитувчиси Баҳодир Дўсимбетов ғолиб деб топилди. Кейинги ўринларни иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Азимбой Пиримбетов ва 18-мактаб ўқитувчиси Мунаввар Йўлдошевалар эгаллади. Уларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа, Кегайли ва бошқа туманларида ҳам танловнинг биринчи босқичи якунланди.

Гулмира УЗАҚБЕРГАНОВА,
ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси.

✧✧✧

Танловнинг Термиз шаҳар босқичида ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг чиқишларини турли шартлар бўйича баҳолади.

Қатнашчилар ўз фаолияти ҳақидаги альбом, кўкрак нишонини тақдим этишди, тайёрланган саволларга жавоб беришди. Бу орқали уларнинг сиёсий билимлари синаб кўрилди. Улар депутатликка номзод сифатида ўз дастурларини томошабинларга тушунтириб, сайловолди ғояларини илгари сурдилар. Шу аснода қизғин ўтган танловда Бехруз Каримов биринчи ўрин соҳиби бўлди.

Бу танловлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга қизиқишини кучайтиради.

Фотима МАМАРАСУЛОВА

АМАЛДАГИ ПРЕЗИДЕНТ
спикерликка сайланди

Молдова парламенти раислигига Коммунистик партия етакчиси, амалдаги президент Владимир Воронин сайланди.

Унинг номзодини овоз беришда иштирок этган парламентнинг 60 нафар депутати қўллаб-қувватлади.

Мухолиф партиялардан сайланган депутатлар эса (улар парламентдаги 41 та ўринни эгаллаган) раис сайлаш жараёнида қатнашишдан бош тортди.

«Новости» АА маълум қилишича, яқин кунларда Молдова парламенти мамлакат президентини сайлайди. Унгача бу вазифани амалдаги президент, янги спикер В. Воронин бошқариб туради.

Эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг 5 апрелида республикада парламент сайловлари бўлиб ўтди. Аммо мухолифат сайлов натижаларини рад этди. Ғалабага эришган коммунистларни сайлов натижаларини қалбакилаштирганликда айблаб, Кишинёвда норозилик митинглари уюштирдилар. Бу эса оммавий тартибсизликларга айланиб кетди.

17 апрелда сайлов бюллетенлари холислар иштирокида қайта ҳисоб-китоб қилинди ва коммунистлар ғалабаси тасдиқланди, яъни парламентдаги 101 ўриндан 60 тасини коммунистлар эгалладилар. 22 апрелда Конституциявий суд сайлов натижаларини тасдиқлади.



ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ
норозилик акцияси

«Рио — тинчлик ва осойишталик учун» ҳаракати фаоллари Рио-де-Жанейрода ўсиб бораётган зўравонлик ва кўча жиноятчилигига қарши норозилик акциясини ўтказди.

«Новости» АА хабар беришича, намойишчилар Рио шаҳри марказидаги Қонунчилик палатаси биноси олдига зўравонлик қурбонларининг рамзи сифатида 17 мингта оқ тош уюмини йиғдилар.

Намойиш ташкилотчиларининг маълумотларига қараганда, кейинги 28 ой давомида Рио-де-Жанейро штатида 17 мингта қотиллик содир этилган. Қурбонларнинг кўпчилиги жиноят изларини яшириш учун жиноятчилар томонидан ёқиб юборилган.

Худди шундай норозиликлар аввалроқ Копакабана чўмилиш ҳавзасида ва Фламенгу боғида ҳам бўлиб ўтган. Ушанда намойиш иштирокчилари 16 мингта кокос ёнғоғини йиғгандилар.

30 ТА МАМЛАКАТДА
қайд этилди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёнинг 30 та мамлакатида — Австралия, Австрия, Аргентина, АҚШ, Бразилия, Буюк Британия бирлашган қироллиги ва Шимолий Ирландия, Гватемала, Германия, Дания, Ирландия, Исроил, Испания, Италия, Канада, Колумбия, Корея Республикаси, Коста-Рика, Мексика, Нидерландия, Норвегия, Панама, Польша, Португалия, Сальвадор, Франция, Хитой, Швеция, Швейцария, Япония, Янги Зеландия давлатларида A/H1N1 гриппи вируси расмий қайд этилганини маълум қилди.

Шундай қилиб, маълумотларга кўра, касаллик юққан кишилар сони дунё бўйича 4694 кишига етди.

Гриппнинг тарқалиши давом этмоқда.

Бу грипп вирусли инфекция бўлиб, асосан бурун, томоқ, бронх йўллари ва айрим пайтларда ўпкани шикастлайди. Одатда касаллик 1-2 ҳафта давом этади. Унинг асосий характери шундайки, бирдан тана ҳароратини кўтариб юборади, бош ва мушаклар, томоқ оғрийди, кучли дармонсизлик ва тинимсиз йўтални келтириб чиқаради.

Вирусни ўзига юқтирганларнинг кўпчилиги 1-2 ҳафтада соғайиб кетади. Фақат касалликни ўтказиб юборганларгина хавф остида қолади.

Шуни таъкидлаш лозимки, олимларнинг айтишларича, A/H1N1 грипп вирусига қарши вакцина яратиш учун 4-6 ой вақт керак бўларкан.

✱ 18 май — Халқаро музейлар куни

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАВОҲИРИ

Музейлар ўтмиш билан эртанги кунни боғловчи ўзига хос кўприкдир. 2002 йилда Президентимиз ташаббуслари билан фойдаланишга топширилган, Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз Археология музейи ҳам ана шундай маскандир. Бу музей залларида юртимизнинг қадим тарихидан тортиб ҳозирги кунига қадар бўлган воқеликларидан гувоҳлик берувчи 55 мингдан зиёд ноёб экспонатлар мавжуд. Бундан ташқари бу ерда умумий фонди 17 мингдан ортиқ илмий кутубхона ҳамда мўъжаз қироатхона китобхонлар ихтиёрида. Олтин, кумуш, бронза ва бошқа қимматбаҳо металлар сақланадиган намойиш зали доим гавжум. Рассомлар асарлари билан безатилган кўргазмалар зали ташкил этилган. 2003 йилдан буён музейда амалга оширилаётган ишлар интернет орқали рус, инглиз, немис тилларида дунё мамлакатларига тарқатилмоқда.

— Экспонатларимиз билан турли халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келаяпмиз, — дейди музей директори, тарих фанлари номзоди Исмоил Ботиров. — 2005 йилда Японияниング 8 та шаҳрида ўтказилган тадбирларда 32 та бебаҳо хазинамиз жаҳон археолог ва тарихчиларини лол қолдирганди. Жорий йилда эса Германиянинг Манхейм шаҳрида «Искандар Зулқарнайн ва Осиё маданияти» мавзуида тадбир бўлиб ўтади. Унда 80 га яқин кўргазмалар билан қатнашмоқчимиз.



Археологик ишлар ҳамда илмий тадқиқотлар туфайли музей фонди йил сайин бойимоқда. 2005 йилда Фаёзтепада Шеробод туманидаги «Қайроғочота» ёдгорлиги музей ходимлари ҳамда Термиз давлат университети жамоаси қазишма ишларини олиб боришган бўлса, улар ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда археологик ишларни давом эттиришди. Тадқиқотлар натижасида топилган ибодатхонанинг умумий майдони 114х34 метрдан иборат бўлганлиги аниқланди. Ушбу обида милоддан аввал қурила бошлангани маълум бўлди. Изланишлар давомида Кушон подшолиги номидан зарб этилган 12 та танга, тасвир туширилган қопқоқ, от ва чавандоз тасвирланган талай ҳайкалчалар ҳамда 50 дан ортиқ сопол идишлар қазиб олинган. Мазкур тепаликдан топилган иккита олтин тугмача эса бугунда хорижликларни ҳам мафтун этмоқда.

— Мустақиллик шарофати билан Термизийлар юрти қайта дунёга келди, — дейди тарихшунос олим Сайфулло Турсунов. — Айниқса, мамлакатимизнинг жанубий қалқони ҳисобланган Термиз ўзгача кўриниш касб этган. 2006 йилда Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси қурилиш босқичларини аниқлаш бўйича кенг кўламли иш бошланганди. Тадқиқотлар натижасида мажмуанинг ҳар бир тарихий даврга хос меъморий тузилишлари аниқланди. Мақбара атрофида олиб борилган изланишлар натижасида музей 450 га яқин экспонат билан бойиди.

Минг йиллар тарихидан сўзлагувчи хазиналарни топиш, уларни авлодларга етказиш учун хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Келажакда эса музей фондида сақланаётган таъмирталаб бўлган ноёб экспонатларни асл ҳолига қайтариш учун махсус марказ ташкил этиш кўзда тутилган.

— Мазкур музей дунёдаги музейлар билан ҳам бўйлаша олади, — дейди таниқли археолог Баҳодир Турғунов. — Ҳар гал уни томоша қилганимда фахр ҳиссини туяман. Япония, АҚШ, Испания, Россия, Франция, Ҳиндистон ва бошқа ўнлаб давлатлардан келган сайёҳ, тарихчи ва археологлар ҳам жавоҳирлар маконига қойил қолишган.

Мамлакатимизда «Музейлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши соҳа ривожида муҳим ўрин тутаяпти. Зеро, эртанги фаровон турмушни қуриш учун ўтмишни, тарихни мукаммал билиш лозимдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Китоб жавонингизга

ГЕОЛОГЛАРГА АТАЛГАН ДАРСЛИК

Яқинда «Шарқ» нашриётида «Нефть ва газ конлари геологияси» китоби босмадан чиқди. Мазкур ўқув қўлланмани геология-минералогия фанлари докторлари Йўлдошбой Эргашев, Ғайбулла Абдуллаев, фан номзодлари Малик Қодиров, Ирмухаммад Холисматовлар нашрга тайёрлашган.

Унда тоғ жинсларининг физик ва кимёвий хусусиятлари, уларнинг нефть-газ ҳосил бўлишдаги аҳамияти, қудуқларни бурғилаш, геологик-геофизик маълумотлар, қатламни очиш, қудуқ тешиш ҳамда конларни ишлатиш тизимларини лойиҳалаш, нефть-газни чиқариш жараёнларини бошқариш, конларни геологик тадқиқ қилиш усуллари ҳақида етарли маълумотлар берилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

«POYTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasi

2009 yil 18 iyun kuni auksion savdolarini o`tkazadi

Savdolar soat 11.00 da boshlanadi. Buyurtma qabul qilish savdo kunidan bir kun avval soat 18.00 da to`xtatiladi.

Savdolarga Toshkent shahar, Hamza tumani, Musaxonov ko`chasi, 1-uyda joylashgan «Toshqishloqmash» OAJ tasarrufidagi quyidagi avtotransport vositalari qo`yiladi:

1994 y. i/ch, d/r 89-48 ШЗ тр-р bo`lgan Universal traktor «УН-053», boshlang`ich bahosi 1 600 000 so`m, zakalat miqdori 320 000 so`m hamda 1986 y. i/ch, d/r 10A0853 bo`lgan «ГАЗ-2410», boshlang`ich bahosi 1 500 000 so`m, zakalat miqdori 300 000 so`m.

Savdolarda qatnashish uchun yuqorida ko`rsatilgan miqdordagi zakalat puli «POYTAXT AUKSION» davlat unitar korxonasining ATIB «Inoteka-bank»i Shayxontohur filialidagi FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 hisob raqamiga o`rnatilgan tartibda to`lanadi.

Savdo g`olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzilgunga qadar to`langan zakalat miqdori sotib oljsh to`lovi miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda yetishmayotgan summani to`lab berish shartlari yuklatiladi.

Mazkur ob`ektlar yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmagan taqdirda navbatdagi haftalarning payshanba kunlari o`tkaziladigan savdolarga qo`yiladi.

Savdolar o`tkaziladigan quyidagi manzildan qo`shimcha ma`lumotlar olish mumkin: 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shoh ko`chasi, 16-«A» uy.

Aloqa telefoni: 233-23-49, **telefaks:** 233-23-40, **elektron pochta:** P-A_DUK@mail.ru

✓ Иқтисодиёт ва ислоҳот

БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

ёки «Чиноз Текстил» МЧЖ фаолияти ҳақида

Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга таъсири олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган дастур изчил амалга оширилмоқда. Натижада халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривожланиб, кўзланган кўрсаткичларга эришилмоқда. Ҳатто ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар ҳам эндиликда ўзини ўнглаб, ишлаб чиқаришни бир маромда ривожлантирган ҳолда дастлабки маҳсулотларини экспортга жўнатмоқда. Тошкент вилоятида илгари «Чиноз тўқимачи LTD» қўшма корхонаси деб аталувчи «Чиноз Текстил» МЧЖ текстил фабрикаси фаолияти ҳам бунга ёрқин мисол бўлаолади.

Корхона сўнгги йилларда ночор аҳволга тушиб қолди ва 2007 йилда банкрот деб топилди. Шу сингари корхоналар ишининг ўнгланишида мамлакатимиз раҳбарининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги фармонлари муҳим аҳамият касб этди. Зеро, улар иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари капиталлашуви даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банклари маблағларини кенг жалб этишга қаратилди.

Мазкур фармонларнинг тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши йўлида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан ночор аҳволга тушиб қолган қатор корхоналар, шу жумладан, «Чиноз тўқимачи LTD» қўшма корхонаси мол-мулки балансга олиниб, унинг негизида янги корхона — «Чиноз Текстил» МЧЖ ташкил этилди. Корхона Низом сармоясининг юз фоизи Миллий банкка тегишли бўлган текстил фабрикасининг бошқаруви банкнинг шўъба — «NBU Invest Group» инвестиция компанияси ихтиёрига берилди.

Бугунги кунда «Чиноз Текстил» МЧЖ Тошкент вилояти Чиноз туманининг йирик корхонасига айланиб, Миллий банкнинг молиявий кўмагида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банклари маблағларини кенг жалб этишга қаратилди.

Бундай ютуқларни қўлга киритишда, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг алоҳида ўрни бор. Банк тизими жамоаси вақтида, керагича ва аниқ ҳисоб-китоблар асосида молиявий кўмак берди. Ҳукуматимиз қарорига кўра, ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда банкрот деб эълон қилинган корхона қисқа вақт ичида бир кунда 15 тоннагача ип-калава ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлади.

Дарвоқе, текстил фабрикасида ишлаб чиқаришни тиклаш икки босқичда амалга оширилаяпти. Биринчи босқичда ишлаб чиқариш тикланиб, корхонанинг 60 фоиз қувватда ишлашга ўтиши таъминланди. Бу эса кунига 9 тоннагача сифатли қайта таралган калава ип ва 1,5 тонна трикотаж мато (полотно)си ишлаб чиқариш имконини яратди. Иккинчи босқичда эҳтиёт ва бутловчи қисмларни харид этиш юзасидан шартномалар тузилди, уларнинг келаси ойда олиб келиб ўрнатилиши корхонанинг тўла қувватда ишлашига шароит яратади...

Шу кунларда корхона мутахассислари электр энергиясини тежаш устида ишлашмоқда. Колаверса, ҳукумат томонидан уч йил давомида фойда, мулк ва ер солиқларидан озод қилинди. Тежалган маблағлар ҳисобидан корхона модернизация қилинади. Мақсад — юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг таннархини маъқул ушлаб туриш. Бунинг учун, энг аввало, тўла қувватда ишлаш ва талаб даражасидаги сифатга эришиш зарур.

Шу кунларда текстил фабрикасида ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва янги технологияларни ўзлаштириш ҳисобига кам чиқим билан кўп ва сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш ишлари қизғин бормоқда. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва унинг таркибидаги бошқарув компанияси билан яқин ҳамкорлик изчил давом этаяпти.

Корхона дастгоҳлари ва ускуналарнинг барчаси юз фоиз Япония ва АҚШда ишлаб чиқилган. Охирги уч йилда улардан эҳтиёт қисмларсиз фойдаланилган. Энди эса (сўмдан ташқари) ажратилган 400 минг доллар ҳисобига олиб келинаётган эҳтиёт қисмлар ўрнатилса, фабрика 90 фоиз қувватга чиқади. Ип йигириш жараёнларининг юраги — тароқлаш машиналарининг янгиланиши ишлаб чиқаришдаги суръат ва сифатни янада оширишга хизмат қилади. Натижада кунига 15 тонна сифатли қайта таралган калава ип ва 5 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш, боз устига иш ўринлари сонини 600 тагача етказиш имкони туғилади.

«Чиноз Текстил» МЧЖнинг жорий йил режасига кўра, 6 миллион доллардан ортиқ тайёр маҳсулот экспортга жўнатилади. Дастлабки маҳсулотлар туркуми Россия, Украина ва Эронга юборилди.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *фабрика фаолиятидан лавҳалар*
Муаллиф олган суратлар.

Шеър ва шуур

ОНА-ЮРТ ҚАДРИНИ ҚУШ ҲАМ БИЛАДИ

БАХТ

— Бахт нима?
— Хуштилаклигинг — бахт,
— Яхшиларга кераклигинг — бахт.
Олижаноб ишларинг билан
Эл ичида ўрнаклигинг — бахт.

ИФТИХОР

Боболар сингари қон кечиб абғор,
Ўлимга мардона бормасак-да тик.
Ўтли бир туйғудан дилда ифтихор:
Юртга истиқлолни бизлар бахш этдик.

Гарчанд қўлимизга олмадик қурол,
Гарчанд ўқ ёғмади бизнинг бошлардан.
Лекин асрай олдик сени, Истиқлол,
Ёвлар ошкор-пинҳон отган тошлардан.

Муборак онларда этилгаймиз ёд,
Бу кунлар тарихга бўлур кўрку-зеб.
Ва унга албатта бизларнинг авлод,
Ёзилгай:
— Истиқлол бунёдкори, — деб.

ВАТАННИ АНГЛАШ

Ватанни англашга керакмас тилмоч,
Она-юрт қадрини қуш ҳам билади.
Қарангки, лойдан ин қурган қалдирғоч
Кетса ҳам шу инга қайтиб келади.

Боболар қайтганда ҳатто Каъбадан,
Ўпиб юрт тупроғин тавоф этганлар.
Қандоқ кун кўраркан,
Ватан аталган
Муқаддас заминдан узоқ кетганлар?..

ҲАЙРАТ

Ҳар шом бир ҳолатдан ҳайкалдек қотиб,
Ҳайратдан тиёлмам кўзларим ёшин:
Қарангки, Қуёш ҳам қиблага ботиб
Ҳар куни саждага қўяркан бошин.

ТОҒ ВА ДАРАХТЛАР

Билмам, хаёлида қандай ўй-аҳдлар,
Нега илтифотдан улар карахтлар?
Чунки оёғида кўрсатар тоғни,
Тоғлар ўз бошида тутган дарахтлар.

Зиёвиддин МАНСУР



ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИМИЗ — ДУНЁ НИГОҲИДА

Юртимизда халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асослар қабул қилиниб, зарур шарт-шароитлар яратилди, имтиёзлар белгиланди. Усталарни, чеварларни, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида кўрик-танловлар ўтказилаяпти, савдо-кўргазмалар ташкил этилаяпти. Бу эътибордан халқимизнинг қонқонига сингиб кетган кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, каштачилик каби ҳунарлар қайтадан бўй чўзаяпти.



Пойтахтимиздаги Абдулқосим мадрасасида «Ўзбекистон халқ амалий санъати — дунё нигоҳида» деб номланган савдо-кўргазмага қўйилган миллий ҳунармандчилигимизга оид буюмлар бунинг ёрқин исботи бўлди. Қўлигул усталаримиз, чеварларимиз томонидан тайёрланган буюмлар юртдошларимизнинг ҳам, хорижлик сайёҳларнинг ҳам кўзларини қувонтирди.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

СПОРТ

ТАҚВИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон футбол федерацияси «Пахтакор» — «Машъал», «Насаф» — «Бунёдкор» жамоаларининг 12-турдаги учрашувларини белгиланган муддатидан кечиктирилганлигини эълон қилди.

Аслида бу жамоалар баҳси 31 май куни ўтказилиши лозим эди. 6 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон — Япония терма жамоалари жаҳон чемпионати саралаш учрашуви ўтиши муносабати билан бош мураббий Миржалол Қосимов терма жамоа номзодларини 29 майдан бошлаб ўқув-машғулот йиғинига жалб этишга қарор қилди.

Хабарингиз бўлса, бунгача миллий чемпионат тақвимида илгари ҳам бир неча ўзгартиришлар бўлганди. Дастлаб «Пахтакор» жамоасининг Осиё чемпионлар лигаси баҳсларидаги иштироки муносабати билан 4-турнинг 4 апрелда ўтказилиши лозим бўлган «Пахтакор» — «Насаф» жамоалари ўйини 29 апрелга кўчирилганди. Сўнгра, 8-турдан жой олган «Насаф» — «Сўғдиёна» жамоалари учрашуви 2 майдан 3 майга кечиктирилди. 16 май Металлурглар куни муносабати билан 10-турдан жой олган «Металлург» — «Сўғдиёна» жамоалари баҳси белгиланган муддатидан икки кун кейин, аниқроғи, 18 май куни ўтказилиши белгиланди. Кўпчилик мутахассис ва мухлислар таъбири билан айтганда, биринчи давранинг энг марказий ўйини сифатида эътироф этилаётган «Бунёдкор» — «Пахтакор» учрашуви тақвимнинг 11-туридан жой олган бўлиб, 23 майда ўтиши кўзда тутилганди. Аммо Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида бу жамоаларимизнинг деярли кейинги босқич йўлланмасини нақд қилганликлари ҳамда қарийб бир ҳафтада уч маротаба майдонга чиқишларига тўғри келиши муносабати билан Тошкент «дерби»си кейинроқ муддатга қолдирилди.

Эркин ХОЛБОБО

Норасмий жаҳон чемпионати саналган Дэвис кубоги Осиё-Океания минтақаси баҳсларида муваффақият қозонган мамлакатимиз теннисчилари жаҳон лигаси «плей-офф» учрашувларига йўлланма олганлигини хабар қилгандик. Куни кеча Халқаро теннис федерацияси (ITF)нинг Лондондаги қароргоҳида ана шу мусобақага қуръа ташланди.

РАҚИБИМИЗ — СЕРБИЯ ТЕННИСЧИЛАРИ

Қуръага кўра, унда юртимиз теннис усталари Сербия ракеткачиларига қарши кортга чиқадилар. Ушбу учрашув шу йилнинг 18-20 сентябрь кунлари Белградда уюштирилади. Рақибимиз таркиб жиҳатидан дунёнинг кучли жамоаларидан ҳисобланади. Сербиянинг биринчи рақамли ракеткачиси Новак Жокович айни пайтда жаҳон теннис таснифида 4-поғонани банд этган, Виктор Троицкий 41-, Янко Типсаревич эса 62-поғонадан жой олган.

Аммо бу аввалги босқичларда Жанубий Корея, Япония терма жамоаларидан устун келган вакилларимизни чўчита олмайди. Ўйлаймизки, мазкур нуфузли мусобақада ўз таркибида Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов ҳамда Важа Узоқов сингари моҳир теннисчиларни жамлаган жамоамиз муносиб иштирок этади.

Жаҳон лигаси «плей-офф» баҳсларининг қолган жуфтликларида қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашади: Чили — Австрия, Бельгия — Украина, Бразилия — Эквадор, Голландия — Франция, Жанубий Африка Республикаси — Ҳиндистон, Швеция — Руминия, Италия — Швейцария.

Тадбир

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ

Тўрт йилдирки, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-услубий маркази ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида юртимиз бўйлаб «Халқ ижодиёти поезди» тадбирлари муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Уларда таниқли санъаткорлар, кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмалар совриндорлари мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида истиқомат қилаётган юртдошларимизни ўз санъат ва маҳоратларидан баҳраманд этиб келишаётир.

Фуркат ТОШМАТОВ олган сурат.

Мазкур тадбир дастлаб 2006 йилда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари шаҳар ва туманлари бўйлаб ўтказилганди. 2007 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларига сафар уюштирилган бўлса, ўтган йили Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари меҳнатқашлари ҳузурида ташкил этилди.

Таниқли санъаткорларнинг халқ ичига кириб бориши ва бевосита яқиндан мулоқотлар уюштиришлари учун имконият яратаётган ушбу хайрли тадбир бу йил Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси туман ҳамда қишлоқларида бўлиб ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭНГ ЯХШИ КИТОБ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги муассислигидаги «Китоб дунёси» газетаси 2008 йилда нашр этилган мазмун-мундарижаси, матбаа ижроси юзасидан энг яхши китобларни аниқлаш, нашриётлар, муаллифларни рағбатлантириш ҳамда республикада ноширлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси нашриётлари ўртасида қуйидаги номинациялар бўйича **«Энг яхши китоб»** кўрик-танлови ўтказилишини эълон қилади:

1. Ижтимоий-сиёсий мавзуга оид китоблар.
2. Ватан тарихи мавзуига оид китоблар.
3. Ўзбек мумтоз адабиётига доир китоблар.
4. Болалар ва ўсмирлар учун китоблар.
5. ART китоб. Санъат нашрлари, оригинал йўналишдаги бадиий-безак ишларини акс эттирган фотоальбомлар, тасвирий санъат маҳсулотлари, китоб дизайни миниатюра ва бошқа нашрлар.
6. Бош мукофот. Танлов ўтказилаётган йилда миллий ноширчиликда ноёб ҳодиса сифатида баҳоланган универсал мавзудаги фундаментал нашрлар учун.

Кўрик-танловда нашриётлар исталган номинациялар бўйича ноширлик маҳсулотлари билан қатнашадилар. Нашриётлар танловга ҳар бир номинация учун 3 тагача номдаги нашрини қўйиши мумкин.

Нашрлар танловга бир нусхада топширилади ва кейинчалик қайтарилмайди.

Танловда нашрлар қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқилади:

— нашрнинг маъно-мазмуни, унинг илмий-маърифий жиҳатдан тайёргарлиги даражаси;
— безак материалларининг тайёрланиш даражаси;
— янги тематик йўналишларнинг ишланганлиги;
— дизайнининг оригинал ечими ва бадиий ечимларининг мазмунга ўқувчилар доирасига ҳамда мақсадларига мувофиқлиги;
— матбаа ижросининг сифати;
— нашрнинг оммабоплиги ва профессионал жиҳатдан аҳамиятлилиги.

Кўрик-танловга китоблар ва бошқа босма нашрлар 2009 йил 1 июнгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари шу йилнинг 10 июнигача аниқланади. Ғолибларга I, II, III даражали дипломлар, Бош мукофот совриндорига танлов дипломи ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида тантанали топширилади.

Танловда ғолиб бўлган китоблар ва бошқа ноширлик маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаларида қатнашиш учун тавсия этилади.

Танловга қўйиладиган нашрларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси 30-уй, «Китоб дунёси» газетаси таҳририятига.
Мурожаат учун телефонлар: 244-13-65, 244-95-20.

Тайёргарлик

БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

Ҳадемай умумтаълим мактабларида сўнгги қўнғироқлар чалиниб, жажжи кичкинтойлар кўнгилли ҳордиқ чиқариш мақсадида дам олиш оромгоҳлари томон йўл оладилар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудларида жойлашган 21 та ёзги болалар оромгоҳларини дам олиш мавсумига тайёрлаш ва уни ўтказиш даврида хавфсизликни таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари мавжуд оромгоҳлар раҳбарларини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, тўғри қарор қабул қилиш масалалари бўйича 7 соатлик ўқув дастури асосида тайёргарликдан ўтказилади. Шунингдек, оромгоҳларда фуқаро муҳофазаси бурчаклари ташкил этилади. Тоғли ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш мавзуларига бағишланган кўргазмали плакатлар, эслатмалар ва услубий қўлланмалар билан жиҳозланади.

Элдор ОРИПОВ,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

✓ Газетада босилмади, аммо...

ИШ ФАОЛИЯТИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Кармана туманида истиқомат қилувчи фуқаро Ш.Қличевнинг йигирма йилдан бери мусиқа ўқитувчиси экани, лекин яқинда қисқартириш ҳақида огоҳлантирилгани ҳақида таҳририятга ёзган хати вилоят Халқ таълими бошқармасига жўнатилган эди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Шикоят хати вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилиб, Кармана туманидаги 5-мактаб мусиқа фани ўқитувчиси Ш.Қличевнинг таълим соҳасидаги узоқ йиллик меҳнати ҳисобга олиниб, унга иш фаолиятини давом эттиришига рухсат берилди.

Навоий вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи
А.ЖУМАЕВ»

Бобур номли жамоат фонди ҳиндистонлик бобуршунос ва навоийшунос олим, Халқаро Бобур мукофоти совриндори **Қамар РАИС**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 449
13111 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 22.00
8
Sotuvda erkin narxda